

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил август ойининг 2 куни, жинойт ишлари бўйича Чортоқ туман суди, суд биносиди, очиқ суд мажлисиди, туман суди раиси И.Жаббаровнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Саримсоқовнинг котиблигида, давлат айбловчиси Чортоқ туман прокурорининг ёрдамчиси Қ.Турсунов, судланувчилар М.Тулабоев, С.Саттаров, уларнинг ҳимоячиси-адвокат З.Умарова, фуқаровий даъвогар Ш.Тошкенбоевнинг иштирокида, Тулабоев Мухамаджон Эркинович ва Саттаров Сардорбек Бахтиёровичга нисбатан 1-1610-2201/123-сонли жинойт ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Тулабоев Мухамаджон Эркинович – 1985 йил 5 октябрда Чортоқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман ҳокимининг Қорабоғ МФЙ бўйича ёрдамчиси, “OMAD MUSLIM TURON” МЧЖ таъсисчиси, Чортоқ шаҳар, “Байналминал” МФЙ, Ишонч кўчаси 15-уйда яшайди, иш бўйича 2022 йил 31 майда гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нухасини 2022 йил 27 июнда олган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192<sup>11</sup>-моддаси 2-қисми “а” банди 229-моддаси билан айбланган.

Саттаров Сардорбек Бахтиёрович – 1984 йил 9 январда Андижон вилояти, Балиқчи туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам судланган, жинойт ишлари бўйича Улуғнор туман судининг 2009 йил 5 февралдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 25,210-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жинойт ишлари бўйича Бекобод туман судининг 2010 йил 7 июлдаги ажримига кзра, ўталмаган 4 йил 28 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жазони тўлиқ ўтаган, вақтинча ишсиз, “OMAD MUSLIM TURON” МЧЖ таъсисчиси, собиқ раҳбари, Андижон вилояти Балиқчи туман, “Оқ-қўрғон” МФЙ, Оқтом кўчаси 12-уйда яшайди, иш бўйича 2022 йил 31 майда гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нухасини 2022 йил 27 июнда олган



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192<sup>11</sup>-моддаси 2-қисми “а” банди 229-моддаси билан айбланган.

Суд судланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жинойт иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

#### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи С.Саттаров жиноий шериги М.Тулабоев билан биргаликда, тенг улушдорлик асосида 2019 йил 14 февралда Чортоқ туман Давлат хизматлари марказидан “OMAD MUSLIM TURON” МЧЖни ташкил қилиб, ўзи 2020 йил 2 сентябрдан 2022 йил 6 январга қадар ушбу жамиятнинг расмий раҳбари сифатида фаолият юритиб келиб, нодавлат тижорат ташкилоти мансабдор шахси бўлгани ҳолда, ўз ваколатларини суиистеъмол қилиб, жамиятнинг таъсисчиси ва норасмий раҳбари М.Тулабоев билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Чортоқ туман ҳокимининг 2019 йил 28 февралдаги 1901-сонли қарори асосида жамиятга “Карьер” казиш учун ажратилган 5,0 гектар ер майдонида Давлат геология кўмитасининг 2020 йил 28 августдаги “geologik jihatdan o’rganish” тоифасидаги NA-0102-G5-сонли лицензиясини олиб, аслида тупроқ казиб олиш ва ундан фойдаланиш ваколатига эга бўлмагани ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.07.2019 йилдаги “Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш жараёнини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 546-сонли Қарори талабларига зид равишда, Давлат геология кўмитасининг тегишли рухсатномасини олмасдан туриб, 2021 йил давомида жами 3.452,7 м<sup>3</sup> ҳажмдаги 165.729.600 сўмлик тупроқларни казиб олиб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказишган.

Бундан ташқари, С.Саттаров ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, нодавлат тижорат ташкилоти мансабдор шахси бўлгани ҳолда, ўз ваколатларини суиистеъмол қилиб, жамиятнинг таъсисчиси ва норасмий раҳбари М.Тулабоев билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2021 йил давомида жамиятга ажратилган ер майдонидан ташқари фойдаланишида бўлмаган ҳудуддан ўзбошимчалик билан 6.264,4 м<sup>3</sup> ҳажмдаги 300.691.200 сўмлик тупроқларни казиб олиб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказишган.

Судланувчи С.Саттаров суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлиги, 2019 йилда таниши М.Тулабоев билан биргаликда тенг улушдорлик асосида таъсисчиликда Чортоқ тумани Давлат хизматлари марказидан 14.02.2019 йилда “OMAD MUSLIM TURON” МЧЖни ташкил қилганлари ва ушбу жамиятга аввалига М.Хамрабаев раҳбар бўлиб, 02.09.2020 йилдан жамиятга ўзи раҳбарлик қила бошлагани, шундай бўлса-да, жамият фаолиятини М.Тулабоев билан биргаликда бошқарганлари, жамиятга 28.02.2019 йилда Чортоқ туман ҳокимлигининг 1901-сонли қарорига асосан Чортоқ тумани, Қорабоғ МФЙ ҳудудидан 1,0 га майдонга “Ғишт пишириш ва ишлаб чиқариш заводи, ёрдамчи бино-иншоотлар куриш” ҳамда 4,0 га майдонга “карьер маҳаллий ҳомашё (тупроқ) казиш учун”, жами 5,0 га ер майдони



ажритиб берилгани, 2019 йил май ойидан жамият томонидан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилиб, 80 фоизга қурилиш ва монтаж ишлари якунига етказилгани, 2020 йил 25 мартдан 15 сентябрь ойига қадар Республика миқёсида пандемия карантин даври давом етганлиги сабабли, ғишт ишлаб чиқарилмагани ва қурилиш-монтаж ишлари давом еттирилиб, ғишт қуритиш ва сақлаш майдони тайёрлангани, 28.08.2020 йилда Ўзбекистан Республикаси Давлат Геология ва Минерал Ресурслари Қўмитаси томонидан NA-0102-серияли лицензия тури G5, Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қабри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун 2 йил муддатга лицензия олингани, ғишт қуритиш ва сақлаш майдони тайёрлаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб бориш учун адирлик ерларни текислаш ишлари олиб борилгани, 01.05.2021 йилдан биринчи мавсум бошланиб, 24.08.2021 йилга қадар жамият томонидан синов тариқасида жами 1.000.000 дона ҳом ғишт (ярим тайёр маҳсулот) ишлаб чиқарилгани, шундан 200.000 донасини жамият ўзининг ёрдамчи бино-иншоотлари яъни 40 ўринли ошхона, 40 ўринли ётоқхона (дам олиш хонаси), қоровулхона ва идора бинолари ҳамда бошқа қурилиш бинолар учун сарфлангани, қолган 800.000 дона ҳом ғишт (ярим тайёр маҳсулот) эса сақлаш ва қуритиш майдонида сақланиб келингани, ҳақиқатдан ҳам, 28.08.2020 йилдаги Ўзбекистан Республикаси Давлат Геология ва Минерал Ресурслари Қўмитасининг NA-0102-серияли лицензиясига таяниб, фаолият юритишни бошлаганлари, бироқ, мутахассисларнинг маълумотига кўра, ушбу лицензия фақатгина “геологик жиҳатдан ўрганиш” мақсадида берилгани ва ушбу лицензия доирасидан четга чиққан ҳолда лессимон жинслар қазиб олингани кўрсатилгани, бироқ, ушбу ҳудудда ғишт қуритиш ва сақлаш майдони тайёрлаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб бориш учун адирлик ерларни текислаш ишлари олиб борилгани ва синов тариқасида 3000 м<sup>3</sup> ҳажмдаги тупроқларни қазиб олиб, жами 1.000.000 дона ҳом ғишт (ярим тайёр маҳсулот) ишлаб чиқарилгани, шундай бўлса-да, ҳозирда лессимон жинслар қазиб олиш, маҳсулот тайёрлаш ва сотиш бўйича лицензия ва сертификат олиш чоралари кўрилаётгани, бунинг натижасида, 10 нафар мунтазам, 15 нафар мавсумий ишчиларни ишга қабул қилиб, жамият иш фаолиятини тўлиқ бошлаш режалаштирилгани, жамият ташкил топгандан буён шу кунга қадар барча солиқ тўловларини ер солиғи ва мол-мулк солиқларини жами юз миллион сўм тўлови амалга ошириб келингани, жамиятга 01.09.2020 йилдан 06.01.2022 йилга қадар у раҳбар бўлиб, кейинчалик ҳамкори М.Тўлабоев билан ўртада низо бўлиб қолгани сабабли, 06.01.2022 йилдан ҳозирга қадар А.Турабоев жамият раҳбари сифатида фаолият юритиб келаётгани, бироқ, 2021 йил август ойидан тупроқ қазиб олиш ва ғишт қуйиш ишлари тўхтатилгани, “OMAD MUSLIM TURON” МЧЖнинг ҳозирга қадар бўлган фаолиятидан тўлиқ хабардорлиги ва бизнес ҳамкори М.Тулабоев билан биргаликда ушбу лойиҳани амалга оширганлари, лессимон жинсларни қазиб олиб, ундан ғишт маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса-да, ҳозирда ғиштлар сотувга қўйилмагани, ҳақиқатдан ҳам жамиятга тегишли бўлмаган ҳудудда тупроқ қозиш ишларини амалга оширмаганлари, у ерда фақатгина текислаш ишларини амалга оширганлари, бунга сабаб ғишт



кўйилгандан сўнг, уни қуритиш учун текис майдон керак бўлгани, шу сабабли қаровсиз ва фойдаланилмай келаётган ёндош ҳудудни текислаб, фойдаланмоқчи бўлганлари, ҳозирги кунда давлат манфаатларига етказилган зарар қазиб олинган ҳудудларга лессимон тупроқларни олиб келиб тўлдириш йўли билан етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлари, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, кўрсатув берди.

Судланувчи М.Тулабоев суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлиги, ҳақиқатдан ҳам 10.02.2019 йилда Чортоқ туманида “OMAD MUSLIM TURON” МЧЖ ташкил қилгани, ушбу жамиятнинг таъсисчилари у ва бизнес ҳамкори С.Саттаров ҳисобланиши, жамиятга 28.02.2019 йилда Чортоқ туман ҳокимлигининг 1901-сонли қарорига асосан Чортоқ тумани, Қорабоғ МФЙ ҳудудидан 1,0 га майдонга “Ғишт пишириш ва ишлаб чиқариш заводи, ёрдамчи бино-иншоотлар қуриш” ҳамда 4,0 га майдонга “карьер маҳаллий хомашё (тупроқ) қазитиш учун”, жами 5,0 га ер майдон ажратиб берилгани, 28.08.2020 йилда Ўзбекистан Республикаси Давлат Геология ва Минерал Ресурслари Қўмитаси томонидан НА-0102-серияли лицензия тури G5, Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичага олган ер қабри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун 2 йил муддатга лицензия олингани, ғишт қуритиш ва сақлаш майдони тайёрлаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб бориш учун адирлик ерларни текислаш ишлари олиб борилгани, 01.05.2021 йилдан биринчи мавсум бошланиб, 24.08.2021 йилга қадар жамият томонидан синов тариқасида жами 1.000.000 дона ҳам ғишт (ярим тайёр маҳсулот) ишлаб чиқарилгани, шундан 200.000 донаси жамият ўзининг ёрдамчи бино-иншоотлари учун сарфлангани, қолган 800.000 дона ҳам ғишт (ярим тайёр маҳсулот) эса сақлаш ва қуритиш майдонида сақланаётгани, 28.08.2020 йилдаги Ўзбекистан Республикаси Давлат Геология ва Минерал Ресурслари Қўмитасининг НА-0102-серияли лицензиясига таяниб, фаолият юритишни бошлаганлари, бироқ, мутахассисларнинг маълумотига кўра, ушбу лицензия фақатгина “геологик жиҳатдан ўрганиш” мақсадида берилганлиги ва ушбу лицензиянинг доирасидан четга чиққан ҳолда лессимон жинслар қазиб олинганлиги кўрсатилгани, бироқ, ушбу ҳудудда ғишт қуритиш ва сақлаш майдони тайёрлаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб бориш учун адирлик ерларни текислаш ишлари олиб борилган ва синов тариқасида жами 1.000.000 дона ҳам ғишт (ярим тайёр маҳсулот) ишлаб чиқарилгани, шундай бўлса-да, ҳозирда лессимон жинслар қазиб олиш, маҳсулот тайёрлаш ва сотиш бўйича лицензия ва сертификат олиш чоралари кўрилаётгани, ҳақиқатдан ҳам, жамият лессимон жинсларни қазиб олиш фаолияти билан шуғуллангани, тушунмовчилик сабабли Ўзбекистан Республикаси Давлат Геология ва Минерал Ресурслари Қўмитасининг 28.08.2020 йилдаги НА-0102-серияли лицензиясига асосланиб фаолият олиб борилгани, лессимон жинсларни қазиб олиб, ундан ғишт маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса-да, ҳозирда ғишлар сотувга қўйилмагани, Чортоқ туман ҳокимлигининг 28.02.2019 йилдаги 1901-сонли қарори билан Чортоқ тумани, Қорабоғ МФЙ ҳудудидан жами 5,0 га ер майдон ажратиб берилган бўлса-да, жамиятга тегишли бўлмаган ҳудудда тупроқ қазитиш ишларини амалга оширмаганлари, у ерда ғиштни қуритиш учун текис майдон керак бўлганлиги сабабли, қаровсиз



ва фойдаланилмай келаётган ёндош худдудни текислаш ишларини амалга оширганлари, hozirgi кунда давлат манфаатларига етказилган зарар казиб олинган худудларга лессимон тупроқларни олиб келиб тўлдириш йўли билан етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлари, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, кўрсатув берди.

Гарчанд, судланувчилар С.Саттаров ва М.Тулабоевлар айбларига тўлиқ иқрор бўлиб кўрсатув берган бўлсалар-да, уларнинг жиноят содир этганликдаги айблари қуйидаги далиллар билан ҳам ўз исботини топган. Жумладан;

фуқаровий даъвогар Ш.Тошкенбоевни суд мажлисидаги, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.12.2018 йилдаги ПҚ-4078-сонли қарори ижроси, Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясининг 04.02.2022 йилдаги 27-Т-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 10.02.2022 йилда “Омад Муслим Турон” МЧЖда дастур асосида текширув ўтказилгани, “Омад Муслим Турон” МЧЖ 14.02.2019 йилда 687335 тартиб рақами билан юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилгани, Наманган вилояти Чортоқ тумани ҳокимининг 28.02.2019 йилдаги 1901-сонли қарори билан “Ҳ.Олимжон” агрофирмаси худудидаги туман ҳокимлиги захирасида бўлган дала контурларида жойлашган 5,0 гектар эр майдони “Карьер” маҳаллий ҳомашё (тупроқ) қазиш учун 760-739қ-контурлари, “Ғишт пишириш ва ишлаб чиқариш заводи”, ёрдамчи бино-иншоотлар қурилиши ҳамда “Ғишт сақлаш ва қуритиш майдони” учун 1,0 гектар эр майдони ажратилгани, “Омад Муслим Турон” МЧЖга Наманган вилояти Чортоқ тумани ҳокимининг 28.02.2019 йилдаги 1901-сонли қарор берилгани, ушбу қарорга асосан “Омад Муслим Турон” МЧЖга лессимон жинслар участкасини геологик жиҳатдан ўрганиш учун серияси НА тартиб рақами 0102 тури Г-5 бўлган лицензияни Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан 28.08.2020 йилда берилгани, 28.08.2022 йилгача бўлган муддатга расмийлаштириб берилгани, ушбу лицензиянинг фойдаланиш шартларида “Омад Муслим Турон” МЧЖнинг қуйидаги мажбуриятлари келтирилгани, яъни “ГЕОМАРК-С” МЧЖ билан тузилган 24.02.2021 йилдаги №02/2021-сонли шартномага мувофиқ “Омад” лессимон жинслар участкасида геология-қидирув ишларини олиб бориш учун шартнома имзолангани, дала ишлари бошланишидан олдин кунлик муддатда Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясини ёзма равишда огоҳлантириш, жамият томонидан қазиш ишлари олиб борилишидан аввал инспекцияни огоҳлантириш, Ўзбекистон Республикаси “Ер ости бойликлари тўғрисидаги” қонунига мувофиқ ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиш, бироқ, жамият томонидан “Омад” лессимон жинслар участкасида геологик ўрганиш учун лицензия расмийлаштириб берилган бўлса-да, лессимон жинсларни қазиб олиш ҳолати кузатилгани, жамият томонидан 25.12.2019 йилда №01-01/10-08-3041-сонли экология экспертиза хулосаси олингани, “Омад Муслим Турон” МЧЖ томонидан геологик қидирув ишларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия расмийлаштириш учун (УТЕР)



Йириклаштирилган техник-иқтисодий асослар лойихаси ва бошқа ҳужжатлар тўплами тайёрлангани, “Омад Муслим Турон” МЧЖга қарашли “Омад” лессимон жинслар участкасини кўздан кечириш жараёнида руҳсат берувчи ҳужжатларсиз қазиб олинганлиги аниқлангани, қазиб олинган ҳолат юзасидан маркшейдерлик ўлчов ишлари амалга оширилгани, маркшейдер хулосасига кўра қазиб олинган лессимон жинслар ҳажми ҳудуд ичидан 3452.7 м<sup>3</sup> ни ҳудуд атрофидан эса ер юзаси релефига асосан 6264.4 м<sup>3</sup> ташкил этгани, бунда ҳудуддан ташқарида текислаш ишлари учун ишлатилган маҳсулотлами ҳисобини топокарта бўлмаганлиги сабабли ҳисоблашни имкони бўлмагани, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.12.2018 йилдаги “Норуда фойдали қазилмалари ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4078-сонли қарорининг 9-хатбошисида келтирилган фойдали қазилмалардан ноқонуний фойдаланиш аниқланган ҳолатлар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш, маркшейдерлик ишларини ўтказган ҳолда “Омад Муслим Турон” МЧЖ томонидан етказилган зарар миқдорини аниқлаш талаблари амалга оширилгани, текширув натижасига кўра, “Омад Муслим Турон” МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.12.2018 йилдаги №-983-сонли қарори 1-илова 1-боб 5-бандида келтирилган талаблар бузилгани, унга кўра фойдали қазилмалар конни ёки унинг бир қисмини лицензиясиз ва кон ажратиш далолатномасисиз қазиб олиш таъқиқланиши ва ишлаб чиқариш ҳаражатлари қопланмаган ҳолда белгиланган тартибда тўхтатилиши, мазкур қарорнинг 1-илова 6-боб 45-бандида келтирилган фойдали қазилмаларни ўзбошимчалик билан қазиб олишда айбдор бўлган мансабдор ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беришлари, бундан ташқари, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 13.12.2002 йилдаги 444-ИИ-сонли қонунининг 4-моддаси, 26-моддаси, 28-моддаси, 33-моддаси ва 35-моддаси бузилгани, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 48-моддасига кўра кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг белгиланган тартибини бузган ҳолда ер қаъридан фойдаланганлик натижасида давлатга, шунингдек атроф-муҳитга етказилган зарарнинг ўзи қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши лозимлиги ҳамда ушбу қонуннинг 52-моддасига мувофиқ ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари, давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан 3 та тоифадаги яъни “фойдали қазилмаларни ўрганиш”, “фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва фойдаланиш” ва “техноген минерал хосилалардан фойдаланиш” каби тоифалар бўйича лицензиялар берилиши, “Омад Муслим Турон” МЧЖ томонидан етказилган зарарлар ҳозирги кунда тўлиқ қоплангани, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ А.Турабоевни суд мажлисидаги, Чортоқ туманидаги “OMAD MUSLIM TURON” МЧЖ 14.02.2019 йилда Чортоқ тумани Давлат хизматлари марказида ташкил қилинган бўлиб, ушбу жамиятнинг таъсисчилари



М.Тўлабоев ва С.Саттаровлар ҳисобланиши, ушбу жамиятга 01.09.2020 йилдан 06.01.2022 йилга қадар С.Саттаров раҳбар сифатида фаолият юритиб келгани, 06.01.2022 йилдан бошлаб ҳозирга қадар жамиятга раҳбари сифатида у фаолият юритиб келаётгани, жамиятга 28.02.2019 йилда Чортоқ туман ҳокимлигининг 1901-сонли қарорига асосан Чортоқ тумани, Қорабоғ МФЙ ҳудудидан 1,0 га майдонга “Ғишт пишириш ва ишлаб чиқариш заводи, ёрдамчи бино-иншоотлар қуриш” ҳамда 4,0 га майдонга “карьер маҳаллий ҳомашё (тупроқ) қазилма учун”, жами 5,0 га ер майдон ажритиб берилгани, 2019 йил май ойидан жамият томонидан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилиб, қурилиш ва монтаж ишлари тўлиқ якунига етказилмагани, 2020 йил 25 март ойидан 15 сентябрь ойига қадар Республика миқёсида пандемия карантин даври давом етганлиги сабабли, ғишт ишлаб чиқарилмагани ва қурилиш-монтаж ишлари давом еттирилиб, ғишт қуритиш ва сақлаш майдони тайёрлангани, 28.08.2020 йилда Ўзбекистан Республикаси Давлат Геология ва Минерал Ресурслари Қўмитаси томонидан НА-0102-серияли лицензия тури G 5, Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қабри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун 2 йил муддатга лицензия олингани, ғишт қуритиш ва сақлаш майдони тайёрлаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб бориш учун адирлик ерларни текислаш ишлари олиб борилгани, 01.05.2021 йилдан биринчи мавсум бошланиб, 24.08.2021 йилга қадар жамият томонидан синов тариқасида жами 1.000.000 дона ҳом ғишт (ярим тайёр маҳсулот) ишлаб чиқарилгани, шундан 200.000 донаси жамият ўзининг ёрдамчи бино-иншоотлари яъни 40 ўринли ошхона, 40 ўринли ётоқхона (дам олиш хонаси), қоравулхона ва идора бинолари ҳамда бошқа қурилиш бинолар учун сарфлангани, қолган 800.000 дона ҳом ғишт (ярим тайёр маҳсулот) эса сақлаш ва қуритиш майдонида сақланаётгани, жамиятни 2022 йил январь ойидан бошлаб жамиятга ишга раҳбар лавозимга тайинланган бўлса, ҳозирда жамиятда иш фаолият бошлашдан аввал биринчи навбатда, фаолиятини одил бошқариш учун ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларни тўлиқ қилиб олишни режа қилганлари, 01.05.2022 йилга қадар лицензия ва сертификат олинди, 10 нафар мунтазам, 15 нафар мавсумий ишчиларни ишга қабул қилиб жамият иш фаолиятини тўлиқ бошлаш режалаштирилгани, жамият ташкил топгандан буён шу кунга қадар барча солиқ тўловларини ер солиғи ва мол-мулк солиқларини жами бир юз миллион сўм тўлови амалга ошириб келингани, “OMAD MUSLIM TURON” МЧЖнинг 06.01.2022 йилга қадар бўлган фаолиятида шахсан ўзи иштирок этмаган бўлса-да, жамият таъсисчиси М.Тўлабоев ва жамият собиқ раҳбари С.Саттаровлар билан суҳбатлашганида, юқоридаги маълумотларга эга бўлгани, ҳақиқатдан ҳам, жамиятнинг лессимон жинсларни қазиб олишга лицензияси бўлмагани ҳолда ушбу фаолият билан шуғуллангани, ҳозирда, жамиятга лессимон жинсларни қазиб олишга лицензия олиш чоралари кўриляётгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳлар Р.Абдусалимов ҳамда Н.Низамовларни суд мажлисидаги, фуқаровий даъвогар вакили Ш.Тошкенбоевни кўрсатувларини тасдиқлаб, у билан бир хил мазмунда берган кўрсатувлари билан;



бундан ташқари, далолатнома (ж-и 4-7 и.в), билдирги (ж-и 28 и.в), Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг экспертиза хулосаси (ж-и 31-35 и.в), товаршунослик экспертиза хулосаси (ж-и 53-58 и.в), Давлат солиқ бошқармасининг хужжатли тафтиш далолатномаси (ж-и 180-187 и.в), ёзма ашёвий далиллар ҳамда ишда тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топган деб суд ҳисолайди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар М.Тулабоев ва С.Саттаровларнинг “OMAD MUSLIM TURON” МЧЖ таъсисчилари бўлиб, С.Саттаров расмий, М.Тулабоев норасмий раҳбари сифатида, нодавлат тижорат ташкилотининг мансабдор шахслари бўлганлари ҳолда, ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Давлат геология қўмитасининг тегишли рухсатномасини олмасдан, ўзбошимчалик билан 9.717,1 м<sup>3</sup> ҳажмдаги тупроқларни қазиб олиб, давлат манфаатларига 466.420.800 сўм жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлганликлари билан боғлиқ ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192<sup>11</sup>-моддаси 2-қисми “а” банди ва 229-моддаси билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин.” деб, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.” деб, 4-бандида “Қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт.” деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбуллигига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд, ишдаги судланувчиларни айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбуллигига тааллуқли шартларнинг бирон-бир талаби бузилмаган, уларни номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш



шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 54, 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, М.Тулабоевга жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, яшаш ва иш жойидан ижобий тавсифланганлигини, муқаддам судланмаганлигини, қарамоғида 4 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, жиноят оқибатларини ўз ихтиёри билан бартараф қилганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, уни шахсини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бор деган хулосага келиб, у айбланаётган ЖКнинг 192<sup>11</sup>-моддаси 2-қисми ҳамда 229-моддалари санкциялари доирасида жарима жазоси тайинлашни, М.Тўлабоев “OMAD MUSLIM TURON” МЧЖ таъсисчиси, тадбиркорлик субъекти ҳисобланиши инobatга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 45-моддасига асосан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ қўшимча жазо тайинламасликни;

-судланувчи С.Саттаровга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, яшаш ва иш жойидан ижобий тавсифланганлигини, қарамоғида 4 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, жиноят оқибатлари бартараф қилганини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, уни шахсини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бор деган хулосага келиб, у айбланаётган ЖКнинг 192<sup>11</sup>-моддаси 2-қисми ҳамда 229-моддалари санкциялари доирасида жарима жазоси тайинлашни, С.Саттаров “OMAD MUSLIM TURON” МЧЖ таъсисчиси, тадбиркорлик субъекти ҳисобланиши инobatга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 45-моддасига асосан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ қўшимча жазо тайинламасликни лозим топди.

Шунингдек, етказилган зарар тўлиқ бартараф этилиб, фуқаровий даъвогар вакилининг даъвоси йўқлигини инobatтга олишни;

Жиноят иши бўйича ёзма ашёвий далил сифатида эътироф этилган, текшириш далолатномалари ва уларнинг илова ҳужжатларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим деб топди.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471-473 – моддаларига амал қилиб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Тулабоев Мухамаджон Эркинович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192<sup>11</sup>-моддаси 2-қисми “а” банди ва 229-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Тулабоев Мухамаджон Эркиновичга;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192<sup>11</sup>-моддаси 2-қисми “а” банди билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 (юз) баравари миқдорида 27.000.000 (йигирма етти миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 (ўттиз) баравари миқдорида 8.100.000 (саккиз миллион бир юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида, жазоларни қисман қўшиб, ўташ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 105 (бир юз беш) баравари миқдорида 28.350.000 (йигирма саккиз миллион уч юз эллик минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Тулабоев Мухамаджон Эркиновичга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин. Гаров сифатида Наманган вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига қўйилган 5.400.000 сўм пул гаровга қўювчи М.Тулабоевга қайтарилсин.

Саттаров Сардорбек Бахтиёрович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192<sup>11</sup>-моддаси 2-қисми “а” банди ва 229-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Саттаров Сардорбек Бахтиёровичга;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192<sup>11</sup>-моддаси 2-қисми “а” банди билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 (юз) баравари миқдорида 27.000.000 (йигирма етти миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 (ўттиз) баравари миқдорида 8.100.000 (саккиз миллион бир юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида, жазоларни қисман қўшиб, ўташ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 105 (бир юз беш) баравари миқдорида 28.350.000 (йигирма саккиз миллион уч юз эллик минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Саттаров Сардорбек Бахтиёровичга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин. Гаров сифатида Наманган вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига қўйилган 5.400.000 сўм пул гаровга қўювчи С.Саттаровга қайтарилсин.

Етказилган зарар бартараф этилиб, фуқаровий даъвогар вакилининг судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.



Жиноят иши бўйича ёзма ашёвий далил сифатида эътироф этилган, текшириш далолатномалари ва уларнинг илова хужжатлари жиноят иши хужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, йигирма сутка ичида, судланувчилар ва фуқаровий даъвогар вакили ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали апелляция тартибида Наманган вилоят судига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

И.Жаббаров

